




**МУРАДЛИМ**

**ХЭМ**

**ЎЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ**

*Илмий-методикалык журнал № 3/2*



Нөкис - 2021

# МУГАЛЛИМ ХЭМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРҮҮ



ISSN 2181-7138

№ 3/2 2021 жыл

## Илимий-методикалық журнал

**Редактор:**

**А. Тилегенов**

**Редколлегия ағзалары:**

Мақсет АЙЫМБЕТОВ  
Нағмет АЙЫМБЕТОВ  
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ  
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ  
Өсербай ӨЛЕҰОВ  
Асқар ДЖУМАШЕВ  
Кеңесбай ДАУЛЕТЯРОВ  
Гүлнара ЖУМАШЕВА  
Батырбек КАИПБЕРГЕНОВ  
Амангелди КАМАЛОВ  
Сарсен КАЗАХБАЕВ  
Гулмира КАРЛЫБАЕВА  
Сабит НУРЖАНОВ  
Уролбой МИРСАНОВ  
Арзы ПАЗЫЛОВ  
Зухра СЕИТОВА  
Айдын СУЛТАНОВА  
Тажибай УТЕБАЕВ  
Ризамат ШОДИЕВ  
Ойбахор ШАМИЕВА  
Бекзод ХОДЖАЕВ  
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ  
Гулрухсор ЭРГАШЕВА

**Шөлкемлестиріушілер:**

Қарақалпақстан Республикасы  
Халық билимлендириу  
Министрлиги, ӨЗПИИИ  
Қарақалпақстан филиалы

Өзбекстан Республикасы  
Министрлер Кабинети  
жанындағы Жоқарғы  
Аттестация Комиссиясы  
Президиумының 25.10.2007  
жыл (№138) қарары менен  
дизимге алынды

Қарақалпақстан Баспа сөз хэм  
хабар агентлиги тәрәпинен  
2007-жылы 14-февральдан дизимге  
алынды №01-044-санлы гууалық  
берилген.

Мәнзил: Нөкис қаласы,  
Ерназар Алакөз көшеси №54  
Тел.: 224-23-00  
e-mail: [uzniipnkkf@umail.uz](mailto:uzniipnkkf@umail.uz),  
[mugallim-pednauk@umail.uz](mailto:mugallim-pednauk@umail.uz)  
[www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz](http://www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz)

*Журналға келген мақалаларға жууан қайтарылмайды, журналда жарияланған мақалалардан алынған узиндилер «Мугаллим хэм узликсиз билимлендириу» журналынан алынды, деп көрсетилуи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледі. Мақалада келтирилген мағлұматларға автор жууанкер.*

# МАЗМУНЫ

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ, ТАСВИРИЙ САНЪАТ

<b>Ҳожиёв Р. Б., Норбоева Д.О.</b> Ёшлар ижтимоий фаоллигини ривожлантириш концепциялари .....	4
<b>Ismatov U.Sh.</b> Bo'lajak tasviriy san'at o'qituvchilarini turli grafik materiallarda ishlashga o'rgatish (tempera bo'yog'i misolida) .....	12
<b>Berdiyorov O.</b> Tasviriy san'at va chizmachilik darslarida o'quvchilar duch keladigan ayrim masalalarning amaliy faoliyatdagi yechimlari .....	15
<b>Baymetov B.B., Xamroqulova M.</b> Talabalarni boshshaklini tasvirlashga o'rgatishda konstruktiv qurilish qonuniyatlaridan foydalanish texnologiyalari .....	18
<b>Abduxamidov S.M., Shadiyev A.Ya.</b> Sog'lom turmush tarzini shakllantirishda jismoniy tarbiya va sportning bugungi kundagi o'rni .....	22
<b>Ismatov U.Sh.</b> Rangtasvir mashg'ulotlarida maishiy janrning ifodalanishi .....	25
<b>Марасулова И.М., Зулфиев Р.Н.</b> Ўқувчилар таълим-тарбияси жараёнида тасвирий санъат ўқитувчисининг ўрни .....	28
<b>Абдуллаева Г.С.</b> Формирование ключевых компетенций у студентов с особыми образовательными потребностями через применение ИКТ .....	31
<b>Мухитдинова М.С.</b> Нуткида оғир нуқсонли болалар билан коррекцион-ривожлантирувчи ишларни олиб боришда мусика машгулотларининг имкониятлари .....	35
<b>Султанов Х.Э., Марасулова И.М., Юнусова К.Х.</b> Педагогик инновацион кластери: Чирчиқ тажрибасининг илк натижалари .....	37
<b>Султанов Х.Э., Махмудов М.Ж.</b> Ўқувчиларни тасвирий санъат фанига кизиқтиришдаги ўқитувчининг маъсулияти .....	42
<b>Қаюмов Х. А., Ко'киёв В. В.</b> Quruvchi muhandislarni tayyorlashda muhandislik grafikasi ta'limini kompyuter texnologiyasi bilan integratsiyalash .....	46
<b>Махмудова М.Т.</b> Развитие музыкальной тематики и ее актуальность в изобразительном искусстве Узбекистана .....	48
<b>Марасулова И. М.</b> Эстетическое воспитание молодежи для общества .....	52
<b>Sobirov S. T.</b> Bolalar uchun nashrlarda illyustratsiyalarning vazifalari .....	54
<b>Sobirov S. T.</b> Talabalarda yuksak axloq, kasbga sadoqat kabi insoniy fazilatlarini shakllantirish va ma'naviy-ma'rifiy ishlar samaradorligini oshirishda to'garaklarning o'rni .....	59
<b>Муратов Х. Х.</b> Ўқув жараёнида мустақил таълимни ташкил этиш ва бошқаришнинг долзарблиги .....	61
<b>Атаханова С.О.</b> Масофали ўқитиш технологиясининг чизмачиликни ўқитишдаги амалий аҳамияти .....	65
<b>Атаханова С.О.</b> Чизмачилик фани бўйича ўқувчиларнинг билиш фаоллигини фаоллаштиришда муаммолар таълим технологиясидан фойдаланиш омиллари .....	69
<b>Султанов Х.Э.</b> Таълим муассасалари ҳамкорлигининг кластерли моделини ташкил этиш .....	73
<b>Ко'киёв В.В.</b> Yordanchi proyeksiyalash usulidan foydalanib yaqqol tasvir qurish .....	76
<b>Махмудова М.Т.</b> Влияние музыки на изобразительного искусства .....	81
<b>Махмудова М.Т.</b> Роль и значение музыки в воссоздании изображения .....	85
<b>Ко'киёв В. В., Mahmudov M. J.</b> Ijodkorlikni rivojlantirish chizama geometriya fani misolida .....	88
<b>Ко'киёв В. В., Qozoqboyeva D. T.</b> Yordamchi proyeksiyalash usuli orqali yechiladigan masalalar .....	91

<b>Jumayev I.O.</b> Chizmalarni AutoCAD dasturida chizishda dasturning mavjud murakkabliklarini qo'lda chizishga moslashtirish (o'rgatish) usullari .....	94
<b>Jumayev I.O.</b> Muhandislik grafikasi fanlarida uch o'lchamli fazoni Auto CAD dasturidan foydalanib qo'llash usullari va ahamiyati .....	99
<b>Xalimov M., Bekqulov Q.</b> Chizmachilik fanini o'qitishda interaktiv metodlarni qo'llash zaruriyati .....	102
<b>Bekqulov Q.Sh.</b> O'quvchilar yo'l qo'yadigan tipik xatolarni tizimga solish va prognoz qilish oldini olish choralari .....	105
<b>Bekqulov Q.Sh., To'laganova H.</b> Muhandislik grafikasi fanlarida talabalar chizma bajarishda yo'l qo'yadigan tipik xatolar .....	107
<b>Bekqulov Q.Sh., To'laganova H.</b> Chizmachilik fanidan o'quvchilarning fazoviy tasavvurini oshirishda tugallanmagan chizmalardan foydalanish .....	111
<b>Bekqulov Q.Sh., Boizaqova Sh.A.</b> Muhandislik grafikasi fanlarini boshqa fanlar bilan bog'liqligi .....	113
<b>Boizaqova Sh.A., Bekqulov Q.Sh.</b> Ko'rinishlar mavzusini tushuntrishda detal modelini o'ziga qarab o'rganishning ahamiyati .....	117
<b>Анкабаев Р. Т.</b> Тасвирий саънатда машгулотларида иллюстрация ўргатишнинг аҳамияти .....	120
<b>Бахриев И.С.</b> Бўлажак тасвирий саънат ўқитувчиларини касбий тайёрлашда композиция фанининг назарий асослари .....	122
<b>Атажанова Р. Р.</b> Возможности уроков изобразительного искусства в развитии творческих способностей младших школьников .....	126
<b>Бахриев И.С.</b> Бўлажак тасвирий саънат ўқитувчиларини касбий тайёрлашда композиция фанини ўқитилишининг амалиётдаги ҳолатини ўрганиш .....	128
<b>Xalimov M.</b> Chizmachilik fanini o'qitishda interaktiv metodlarni qo'llash zaruriyati .....	133
<b>Achilov N. N.</b> AutoCAD dasturi yordamida talabalarning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish yaqqol tasvirlarni bajarish asosida .....	136
<b>Анкабаев Р.Т., Миржалилов М. Б.</b> Тасвирий саънатда машгулотларида миниатюрани ранг тасвирини ўргатишнинг аҳамияти .....	141
<b>Achilov N. N.</b> Ko'rgazmali qurollardan foydalangan holda talabalarda ijodiy qobiliyat va dars samaradorligini oshirish yo'llari .....	145
<b>Saydaliyev S.S., Nig'manov B.V., Achilov N.N.</b> Arxitekturada inson va fazo .....	149
<b>Ҳоҷиев Р. Б. Норбоева Д.О.</b> Ёшларнинг ижтимоий қатлам сифатида мавжудлигининг онтологик асоси .....	155

## ЎҚУВЧИЛАРНИ ТАСВИРИЙ САНЪАТ ФАНИГА ҚИЗИҚТИРИШДАГИ ЎҚИТУВЧИНING МАЪСУЛИЯТИ

Султанов Х.Э.

ТВЧДПИ “Тасвирий санъат” кафедраси доценти

Махмудов М.Ж.

ТВЧДПИ “Тасвирий санъат” кафедраси ўқитувчиси

**Таянч сўзлар:** таълим кластери, тасвирий санъат, ижодкорлик, тўғарак, таълим жараёни.

**Ключевые слова:** образовательный кластер, изобразительное искусство, творчество, кружок, образовательный процесс.

**Key words:** educational cluster, fine arts, creativity, circle, educational process.

Бугунги кун ёшларини янгича ижтимоий муҳитга тайёрлаш, давр руҳида тарбиялаш, таълим соҳасини ислоҳ қилиш, тизимни тубдан такомиллаштириш, хусусан, тизимга ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини татбиқ этиш ғояси кун тартибидеги долзарб ва устивор вазифаларидан бири сифатида давлатимиз раҳбари томонидан кўп бора таъкидланиб келинмоқда. Шундан келиб чиқиб, миллий анъаналар, урф одатлар, турмуш тарзи каби ўзига хос шарт-шароитлари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълим тизимининг бутунлай янги ўзига хос моделини ишлаб чиқиш вазифаси Республикаимиздаги энг долзарб масалалардан бири сифатида кун тартибига қўйилди. Умумжаҳон меҳнат бозоридеги юзага келган янги бозор талаблари республикаимиз таълим тизимини ривожлантиришнинг ҳам асосий йўналишларини белгилаб бермоқда.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, узлуксиз таълим тизимидаги муаммоларнинг ечимини топиш, уни бартараф этиш мақсадида Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти “Тасвирий санъат” кафедрасининг ҳамкор муассасалар билан “Мақтаб-лаборатория” тажриба майдонлари фаолияти йўлга қўйилган. Аини вақтда педагогик таълим инновацион кластери ҳамкорлиги доирасида илмий-тадқиқотлар бўйича умумтаълим муассасалари таълим сифатини таҳлил қилиб чиқилмоқда. Ва унда:

- умумий ўрта таълим тизими ўқитувчилари орасида ўзини-ўзи ривожлантириш мотивациясининг йўқлиги;
- ўқитувчиларнинг ўқувчилар билимини ошириш учун замонавий воситалар, усул ва механизмлардан етарли даражада фойдаланмаслиги асосий муаммолар қаторида кўрилмоқда. Умумтаълим мактабларида тасвирий санъатни ўқитишда эса:;
- дарс соатларининг камлиги;
- кўпгина мактабларда тасвирий санъат бўйича мутахассис бўлмаган ўқитувчиларнинг дарс ўтиши;
- дарс соати вақтининг камлиги;
- шароит йўқлиги (кабинет, жиҳозлар)дан кўпроқ муаммолар келиб чиқаётганлигини қайд этишмоқда.

Бу эса эндигина ишни бошлаган ёш ўқитувчиларнинг ўзига ва келажагига бўлган ишончининг йўқолиши, танлаган мутахассислигига нисбатан қизиқиши сўнишига олиб келади.

Юқоридаги келтирилган муаммолардан келиб чиқиб, умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг тасвирий санъат фанига қизиқишларини, фаннинг ва мутахассис фан

ўқитувчисининг маъсулиятини, жамоадаги мавқеини ошириш, тасвирий санъат орқали ўқувчиларни ижодкорликка йўналтириш, ўқитишда таълим сифати натижадорлигига эришиш йўлларини тадқиқ қилиш ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади ҳисобланади. Ёш ўқитувчиларга тасвирий санъат фанини ўқитишдаги мавжуд муаммоларни бартараф этишда, услубий-методик жиҳатдан кўмаклашиш асосий вазифа сифатида қўйилган.

Тасвирий санъат фанини ўқитиш азалдан ўқитувчининг ўқувчи билан индивидуал ишлаш тамойилига асосланган ҳолда ташкиллаштириб келинган. Ҳозирда умумтаълим мактабларида бир синфда ўқувчиларнинг сон жиҳатдан кўпчиликни ташкил этиши, фанни ўқитиш учун махсус жиҳозланган синфларнинг йўқлиги таълим жараёнида замонавий мутахассис учун муайян қийинчиликларни туғдиради. Дунёда глобаллашув ва рақобат кучайиб бораётган бугунги вазиятда барча соҳа вакиллари учун ўз касбларига нисбатан ниҳоятда маъсулиятли бўлиши, ҳар қандай вазиятдан чиқиб кетиши учун креатив фикрлаши, муаммолар счимини топишда ижодкорлик билан ёндашиши талаб қилинади. Шунини яхши тушунишимиз керакки, узлуксиз таълим тизимидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда давлатнинг, ОТМ ҳамда мактаб жамоасининг ва ниҳоят фан ўқитувчисининг ҳам ўзига яраша маъсулияти, вазифалари бор. Охириги йиллардаги давлатимиз раҳбари томонидан таълим соҳасига бўлган эътибор, амалга оширилаётган туб ислохотларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Соҳага оид лойиҳалар ўз тақлиф ва мулоҳазалари билан қатнашишлари учун интернет сайтлари ва матбуот нашрлари орқали аввало кенг жамоатчилик, барча мутахассислар эътиборига ҳавола қилинмоқда. Баъзиларимиз бу жараёнда маъсулиятни сезган ҳолда жон куйдириб ҳаракат қиламиз, баъзиларимиз учун эса бунинг умуман қизиғи йўқ. Энг ажабланарлиси, шу ислохотларда қатнашишни ният қилган ҳамкасбларини “нима қиласан куйиб-пишиб, барибир фойдаси йўқ” – деб йўлдан қайтарадиганлар фаолларимизга нисбатан кўпроқни ташкил қилмоқда. Натижага келганда эса шароит йўқ, имконият йўқ, мана бу нарса нотўғри бўлган деб, фақат талаб қилинади. Бу ҳодисага «Мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим ўқув дастурлари ва фанларининг узлуксизлигини таъминлаш» белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2020 йил 17 декабрдаги №03-393 хати, Тасвирий санъат ва чизмачилик фанларидан мактабгача, умумий ўрта, касб-ҳунар мактаби, академик лицей ва олий таълим муассасаларининг ўқув дастурлари, концепциясини узвийлик ва узлуксизлик нуктаи назаридан экспертизадан ўтказиш пайтида ўзимиз гувоҳ бўлдик. Улкан маъсулиятни ҳис этган ҳолда мактаблардаги ўқув жараёни, ўқув қўлланмалари ва дарсликларда мавжуд муаммоларни ўрганиш, хато-камчиликларни имкон қадар қисқартириш мақсадида бутун Республика-миз бўйича мутахассисларимизга мурожаатлар қилганимизда жуда ҳам озчилик бунга эътибор қаратди.

Бу эса кўпчилигимизда бўлаётган ислохотларга нисбатан бефарқлигимиздан далолат бериб турибди. Таълим сифатига эришишнинг энг мақбул механизмини яратишнинг асосий манбаи аслида мактабдан бошланади. Айнан бизга тегишли муаммоларимизни ҳеч ким ташқаридан келиб ечиб бермайди. Ёш авлодни келажак учун энг зарур билимлар билан қуроллантириш масаласи жуда муҳим вазифа ҳисобланиб, бунда барча фанларнинг ўз ўрни борлигини эътироф этишимиз керак. Барча фанларнинг ўзаро интеграциясигина келажакимизнинг юксак тараққиётини белгилаб беради.

Тасвирий санъат фанига эътиборимизни қаратадиган бўлсак, бу фан ўқувчиларнинг бадиий диди, ижодий тафаккури, атроф борлиққа нисбатан тасавури, вокеликлар,

миллий кадриятлармизга нисбатан ҳиссий ёндашиш кўникмаларини тарбиялайди, ёш авлоддаги нозик ҳис-туйғуларнинг шаклланишини таъминлайди. Юксак технологиялар асрида ёшларимиздаги дунёқараш, воқеликларга нисбатан ёндашиш ўзгача, янги компьютер технологиялари, виртуал алоқа воситаларига қизиқиш жуда кучли. Бу технологияларнинг яхши томони бўлганидек, ёмон таъсир кучи ҳам катта. Мана шундай шароитда фарзандлармизни бузғунчи ва зарарли ғоялар, жиноятчилик, гиёҳвандлик, лоқайдлик, маънавий қашшоқлик, истеъмолчилик кайфиятидан асраш да тасвирий санъат фанининг аҳамияти юқорилигини асло эсдан чиқармаслигимиз керак.

Умумтаълим муассасалари олдида ўқувчиларнинг лаёқати, қизиқишлари ва эҳтиёжларини қондириш ҳамда дарсдан ташқари фаолиятини ташкил этиш механизмларини ишлаб чиқишвазифаси айнан тасвирий санъат таълимига ҳам тегишли. Замонавий тасвирий санъат ўқитувчиси юқоридаги омилларни ҳисобга олган ҳолда таълим олдидаги ўз маъсулиятини ҳис қилиши, ўз касбига нисбатан ҳурмат-эътибор билан ёндашиши ва ҳар қандай вазиятга ижодкорлик билан ёндашиш кўникмаларини ривожлантириши зарур. Ҳозирда ўзининг интеллектуал билими, компьютер технологиялардан унумли фойдаланиш орқали касбий маҳоратини тинимсиз ривожлантириб бориш ҳар бир фан ўқитувчисининг қундалик вазифаси саналади. Замонавий технологиялар ҳар бир дарс учун керакли ва қизиқарли материалларни тезкор топиш имконини яратди. Бундан унумли фойдаланган ҳолда ўқитувчи ўқувчиларни тасвирий санъатга бўлган қизиқишларини ошириш учун дарсларни янгимаълумотлар билан бойитиб бориши лозим. Бунинг устига тасвирий санъат ўқитувчиларида ижодий маҳорат дарслари ўтиш, ўқувчиларини таниқли расомлар устахонаси, музейлар, кўрғазмаларга экскурсияларга олиб бориши имкониятлари мавжуд. Таълим сифатига эришишда фақат ўқув жараёнидаги дарслар билан эриша олмаслигимиз аниқ.

Тасвирий ва амалий санъат турлари бўйича қўшимча тўғарақлар ташкил этиш ҳам болалар учун жуда қизиқарли машғулот саналади. Бундай ижодий тўғарақларда бошқа фанлар боғлиқликда (фанга тегишли мавзуларга оид расмлар чиздириш) вази-фалар бажариш ҳам ўқувчилардаги тасирий санъатга бўлган қизиқишларини оширади. Ўқувчиларнинг тўғарақда бажарган ижодий ишлари кўрғазмасини уюштириш, ўз иши ва музейлардаги расомлар ишлари тўғрисида таъсуротлари асосида фикрларини айтиб беришга ўргатишнинг самараси катта бўлади. Тўғарақ машғулотларида бажарган ишларидан ўқув жараёни учун керакли кўрғазмали қурол сифатида фойдаланиш мумкин. Бу ўқувчилардаги ижодкорликка бўлган мотивацияни кучайтириб, тасвирий санъатга бўлган қизиқишларини оширади.

Ўқувчилар билан машғулотларда бундай шуғулланиш, ижодий ишларидан кўрғазмалар уюштириш, музейларга олиб бориш, бадий асарларнинг мазмун-моҳиятини сўзлаб беришга йўналтириш натижасида, ўқувчилар:

- Ўз устида мустақил ишлашни ўрганади;
- Техникаси ошади;
- Фанни чуқурроқ ўрганади;
- Сўз бойлиги ошади;
- Дунёқарашни ўсади;
- Билмаган нарсаларни ўрганиб олади;
- Тафакқури ва тасаввур ошади;
- Ютуқларга эришади;
- Бўш вақтинда унумли фойдаланилади;

– Тадбиркорликка йўналтирилади.

Хулоса қилиб айтганда дарсларда қизиқарли материалларни тақдим этиш, кўргазмали куроллар ва инновацион технологиялардан ўз жойида ва унумли фойдаланиш, кўшимча ижодий тўғарақлар уюштириш, уста рассомлар билан учрашиш, маҳорат дарсларини кўриш орқали ижодий жараёнга гувоҳ бўлиш, кўргазмаларда таникли рассомларнинг ижодий асарлари билан танишиш ўқувчиларнинг тасвирий санъат фанига қизиқишларини оширади. Уларнинг тасвирий санъатга қизиқиши ва ижодкорликка бўлган интилиши ота-онанинг ҳам фанга бўлган фикрини ижобий томонга ўзгартиради. Тўғарақларда яратилган ўқувчиларнинг ижодий ишлари ўқув жараёни учун ҳам кўргазмали курол вазифасини ўтайди. Дарсни ўтишдаги ижобий ўзгаришлар, қилинаётган сайи-ҳаракатлар бари-бир мактаб раҳбариятининг эътиборини тортади ўқитувчига нисбатан хурмат пайдо бўлади.

Шундай натижаларга эришган ўқитувчиларнинг мактабдаги мавқеи ошиб боради. Ҳар хил танловлар, маданий-маърифий тадбирлардаги ўқувчилари эришган ютуқлари ўқитувчининг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Ўз касбидан фахрланиш туйғуларини уйғотади.

Бу жараён осон кечмайди, бунинг учун ўқитувчида маъсулият, ўзига нисбатан ишонч ва мақсад сари қатъият билан ҳаракат қилиш талаб этилади.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқи 26 декабр 2020 йил;
2. Султанов Х.Э. Innovation technology clusters use of technology in illustration/ International Journal of Psychosocial Rehabilitation/- Vol. 24, Issue 04, 2020 ISSN: 1475-7192: -3877;
3. Саодат Тоштеммирова Таълимда Чирчиқ тажрибаси /ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 1 | ISSUE 3 | 2020 p. -445-461;
4. Sultanov Kh.E., Sobirov S.T., Marasulova I.M. THEORETICAL BASIS OF CLUSTER APPROACH IN FINE ARTS EDUCATION/Journal of Critical Reviews// ISSN- 2394-5125 Vol 7, Issue 9, 2020: -P. 108-111;
5. Султанов Х.Э., Хўжамкулов У.Н. Тасвирий санъат: педагогик таълим кластери ва унинг истикболлари (Чирчиқ давлат педагогика институти тажрибаси)/ Мактаб ва ҳаёт илмий-методик журнали, №7 (147)/-2020: Б. -33-35;
6. Султанов Х.Э. Педагогик инновацион кластер ҳамкорлигида илмий-амалий семинарларнинг аҳамияти /Муғаллим ҳам ўзликсиз билимлендириў илмий-методикалык журнал. №4// -2020: Б.-78-85;

#### РЕЗЮМЕ

Мақолада бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларни тайёрлаш самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган педагогик шарт-шароитлар, замонавий мактабда ўқитувчининг ташкилотчилик фаолияти моҳияти, унинг тамойиллари, шакллари ва ўқувчилар билан ишлаш усуллари хақида гап боради. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ўқувчиларни тасвирий санъатга қизиқтириш, ижодкорлигини намоён қилишни рағбатлантиришнинг ташкилий-услубий тизими ёритиб берилган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются педагогические условия, способствующие повышению эффективности обучения будущих учителей изобразительного искусства, сущность организационной деятельности учителя в современной школе, ее принципы, формы и методы работы с учащимися. Научная новизна исследования – организационно-методическая система стимулирования интереса учащихся к изобразительному искусству, проявление творческих способностей.

#### SUMMARY

The article discusses the pedagogical conditions that help to increase the effectiveness of training of future teachers of fine arts, the essence of the organizational activity of the teacher in a modern school, its principles, forms and methods of working with pupils. The scientific novelty of the research is the organizational and methodological system of encouraging pupils to be interested in fine arts, to show their creativity.

Т. Н. Қары Ниязий атындағы Өзбекстан педагогикалық  
илим-изертлеу институтының Ж. Орынбаев атындағы Қарақалпақстан  
филиалы

**«МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ  
БИЛИМЛЕНДИРИЎ» № 3-2**  
Нөкис — 2021

Басып шығыўға жуўапкер:

*А. Тилегенов*

Баспаға таярлаған:

*А. Тилегенов, Н. Абдукаримов*

Оригинал-макеттен басыўға рухсат етилди 12.03.2021. Форматы 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>

«Таймс» гарнитурасында офсет усылында басылды.  
Шэрти б.т. Нашр. т. Нусқасы 2000. Буйыртпа №

«NISO POLIGRAF» ШК босмахонасида босилди.

Тошкент ш., Ҳ. Бойқаро, 51

